



Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ходимлари Касаба уюшмаси аъзоларининг 2019 йил 1 июлдаги умумий йиғилишида маъқулланган. 8-сонли баённома

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИНГ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6-уй.

Меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг қарори асосида жамоа шартномасига қуйидаги вакиллар имзо чекдилар:

ИШ БЕРУВЧИ:

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар Олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби директори
Х.М. Исоқов

2019 йил " " "



ХОДИМЛАР ВАКИЛИ:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар
Олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби
Касаба уюшмаси кўмитаси раиси
А.Сидиқов

2019 йил " " "



Жамоа шартномасини имзолашда қуйидаги вакиллар иштирок этдилар:

Иш берувчи вакиллари:

1. К.Синдаров

2. Д.Арипов

3. К.Исаров

Ходимнинг вакиллари:

1. М.Таджибаев

2. М.Қаландарова

3. Қ.Турсунов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар
Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби ходимлари Касаба
уюшмаси аъзоларининг 2019 йил
1 июлдаги умумий йиғилишида
маъқулланган. **8-сонли баённома**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг
ЖАМОА ШАРТНОМАСИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6-уй.

Меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг қарори асосида
Жамоа шартномасига қуйидаги вакиллар имзо чекдилар:

ИШ БЕРУВЧИ:

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар Олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби директори
_____ **Ҳ-М. Исоқов**

2019 йил “___” _____

ХОДИМЛАР ВАКИЛИ:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар
Олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби
Касаба уюшмаси қўмитаси раиси
_____ **А.Сидиқов**

2019 йил “___” _____

Жамоа шартномасини имзолашда қуйидаги вакиллар иштирок этдилар:

Иш берувчи вакиллари:

1. К.Синдаров _____
2. Д.Арипов _____
3. К.Исаров _____

Ходимнинг вакиллари:

1. М.Таджибаев _____
2. М.Қаландарова _____
3. Қ.Турсунов _____

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

1.1. Мазкур Жамоа шартномаси (бундан буён матнда Шартнома деб юритилади) **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби** (бундан буён матнда Олий мактаб деб юритилади) – **иш берувчи** билан **Олий мактаб ходимлари** (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) ўртасидаги меҳнат жамоаси олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга, меҳнат муносабатларини тартибга солишга ва ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (бундан буён матнда МК деб юритилади), “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) талаблари асосида тузилган, қонун ҳужжатларига асосан ходимларга қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилайдиган меҳнат шароитлари билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Шартнома иш берувчи ва ходимнинг ўзаро мажбуриятларини қабул қилишнинг асосий шакли сифатида уларнинг манфаатларини келиштиришга хизмат қилади.

1.2. Шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва 3 (уч) йил муддат мобайнида амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, ушбу Шартнома тарафлар томонидан янги Шартнома тузилгунга қадар ёки унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалда бўлади.

1.3. Шартнома ходим ва иш берувчига, хусусан Шартнома кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳамда ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

1.4. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ходим билан иш берувчининг ўзаро розилигига асосан МКда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

2. ИШ БЕРУВЧИ, КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ВА ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Касаба уюшмаси қўмитаси ва иш берувчи ходимларнинг моддий ва ҳуқуқий кафолатланганлик ҳолатларини яхшилаш учун ўз ҳаракатларини қонун ҳужжатларида ва Шартномада келишилган тартибда ходим ва иш берувчининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида бирлаштиришларини, касаба уюшмаси аъзоларининг аъзолик бадалларини Олий мактабнинг бухгалтерияси орқали пул ўтказиш

йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.2. Касаба уюшмаси кўмитаси ва иш берувчи меҳнат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришлари шарт.

2.3. Иш берувчи Олий мактаб фаолиятини яхшилаш мақсадида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади, ишдан бўшатади ёки бошқа ишга ўтказди;

- ишни тақсимлайди ва унинг ижросини талаб қилади;

- ходимларнинг меҳнат интизомига риоя этишларини назорат қилади;

- ходимларни рағбатлантиради;

- ходимларнинг меҳнатига яраша лавозимларини қайта кўриб чиқади;

- меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ёки қонунга ҳилоф бўлган вазифаларни бажаришни талаб қилмайди;

- ҳар бир ходим учун лавозим йўриқномаси ишлаб чиқиш, уни тасдиқлаш, у билан ходимларни таништириш ва бажарилишини талаб қилиш чораларини кўради;

- меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Касаба уюшмаси кўмитасининг ваколатига кирадиган масалаларни, шу жумладан меҳнат муносабатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти режими, ижтимоий-маиший шароитлар ва бошқа масалаларни жамоавий тартибга солишда Касаба уюшмаси кўмитасини ягона ва унинг вакиллари ваколатли деб тан олади;

- ушбу Шартномада назарда тутилмаган ижтимоий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Касаба уюшмаси кўмитаси билан олдиндан келишади;

- Касаба уюшмаси кўмитаси сўровига кўра меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича маълумотлар тақдим этади;

- Касаба уюшмаси кўмитасининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиб беради;

- Касаба уюшмаси кўмитасининг таклиф ва мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқади;

- ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарор қабул қилишда Касаба уюшмаси кўмитаси билан маслаҳатлашади;

- иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳамда қонун ва қонун ости ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда Касаба уюшмаси кўмитасини олдиндан розилигини олади;

- ходимлар учун маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиради ҳамда спорт соғломлаштириш ишлари учун заруратга қараб буюртма асосида маблағларни ажратиш чораларини кўради;

- меҳнат муҳофазаси ва интизоми кўтарилишига эришиш, ходимларнинг тажрибасини ошириш ва ўз устида ишлашлари учун

шароитлар яратиб беради;

- ходимларнинг бевосита меҳнат вазифаларини бажаришлари учун меҳнат фаолиятида зарурий моддий қийматликлари билан таъминлайди;
- ходимнинг татқиқот ишлари ёки илмий изланишларини амалга ошириши учун барча шарт-шароитларни яратади.

2.4. Касаба уюшмаси қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, иш ҳақи тўланиши, ушбу Шартнома, меъёрий ҳужжатлар бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, хавфсиз меҳнат шароитини яратилишини назорат қилади;

- меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилишини назорат қилади;
- иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва санитария қоидалари талабларига мувофиқлаштириш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилади;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши, соғлиғини тиклаши учун соғломлаштириш ва дам олиш масканларига йўлланмалар билан таъминлайди;

- ходимлар ўртасида маданий-оммавий тадбирлар ва спорт соғломлаштириш ишларини ўтказиш бўйича зарур маблағлар ажратиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритади;

- Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ишларини олиб боради ва низоларга олиб келувчи вазиятларни олдини олиш чораларини кўради;

- касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ички ишларига ва фаолиятига аралашмайди;

- ўзига юклатилган меҳнат вазифаларини ва Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида, самарали ва виждонан бажаради;

- меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларга риоя қилади, иш берувчининг мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлади ва унинг сўрови бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида дарҳол ҳисобот тақдим этади.

- ижтимоий ва меҳнат муносабатларига доир масалаларни, шунингдек юзага келган бошқа муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўради;

- янги замонавий ахборот-технологияларини ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш, шунингдек бу борадаги режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, бажарилишини мониторинг қилиш ишларида кўмаклашади.

2.5. Ходимлар ўз навбатида:

- ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилишлари, ўзларига юклатилган меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажаришлари, иш берувчининг қонуний топшириқлари, буйруқлари ва фармойишларини ўз вақтида сифатли ижро этишлари;

- касбий маҳоратларини ошириш бўйича ўз устиларида ишлашлари, иш режалари ва иш юритиш йўриқномаларида белгиланган вазифаларни сўзсиз, аниқ ва вақтида бажаришлари, шунингдек Олий мактабнинг обрўсини ошириш бўйича кўмаклашишлари, ўз ҳамкасбларининг тажрибасидан фойдаланишлари;

- умумхалқ ҳайрия хашарларида фаол иштирок этиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

3.1. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади. Бунда Ягона тариф сеткаси нолиқ разряди Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланади.

3.2. Иш ҳақи ҳар ойда икки маротаба берилади.

Аванс – ҳар ойнинг 18-санасидан, иш ҳақи кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан тўланади.

3.3. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари МК ва бошқа норматив ҳужжатларга кўра ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул қилинган ходим касба уюшмасида таништирув суҳбатидан ўтказилади.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш ҳақида”ги 1996 йил 12 апрелдаги 147-сонли қарори асосида ходимга бюджет маблағлари ҳисобидан йил мобайнида ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимни, шу мақсадларга икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридаги маблағларни йўналтирган ҳолда мукофот берилади. Бунда ходимни мукофотлаш миқдори ишнинг умумий натижаларига қўшган унинг шахсий улушига қараб белгиланади.

Шу билан бирга, бир ойлик иш ҳақи фондини йўналтирган ҳолда ходимга моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби” талабига кўра ходимга ўртача ойлик иш ҳақини

ҳисоблашда мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақиға қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар инобатға олинганлиги сабабли, ходимға вақтинчалик меҳнатға лаёқатсизлик кунлари ва таътилда (бунда айнан ишда бўлмаган таътил даври назарда тутилмоқда) бўлган даври учун мукофот ҳисобланмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 746-рақам билан рўйхатға олинган Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларининг 3.10-бандига кўра меҳнат интизомини бузганлик учун ходимға нисбатан интизомий жавобгарлик чорасидан ташқари унга мукофотдан тўлиқ ёки қисман (бунда ходимға қўлланилган интизомий жавобгарлик даври инобатға олинади) маҳрум қилиш каби таъсир чораси ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу мукофот пули ҳар чоракда тақсимланиб берилади.

3.5. Ходимларға байрамлар муносабати билан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида бериладиган мукофотлар миқдори ва унинг тўланиши ходимға нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси мавжудлигига боғлиқ бўлмайди.

3.6. Дам олиш ва байрам кунлари ишға жалб қилинган ходимларға уларнинг хоҳишиға қараб, бошқа дам олиш куни (отгул) берилади.

3.7. Меҳнат шартномасида кўрсатилган вазифалардан ташқари ишларға жалб этиш ходимнинг розилиги билан амалға оширилади. Бунда иш берувчи ва ходимнинг келишувига асосан қўшимча ҳақ тўланади.

3.8. Ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ суткалик харажатлари “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги йўриқномада белгиланган тартибда ва миқдорда қопланади.

3.9. Ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига қилган хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 15 ноябрда 2730-рақам билан рўйхатға олинган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафариға юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида” Низом талабларига асосан белгиланган тартибда амалға оширилади.

3.10. Ходимни вақтинча бошқа лавозимға ўтказиш унинг аризасига асосан амалға оширилганда унинг муддати ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувға биноан белгиланади ва меҳнатға ҳақ тўлаш ходимнинг бажарадиган ишиға мувофиқ амалға оширилади.

3.11. Ходим дастлабки синов муддати тугагунға қадар иш берувчини уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишға ҳақли бўлса, иш берувчи эса ходимнинг синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина меҳнат шартномасини бекор қилишға ҳақли

ҳисобланади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ушбу муддатни қисқартиришга фақат ходим ва иш берувчининг ёзма равишдаги келишуви билан йўл қўйилади. Бунда ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳам ҳақлидир.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар меҳнат шартномасини бекор қилиш талаб қилинмаган тақдирда, шартномани бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

3.12. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина Касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда амалга оширилади, МКнинг 101-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ёзма тақдимнома Касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

3.13. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим билан бу ҳақида буйруқ чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. Олий мактабда иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) тарафлар ходимлар учун 40 (қирқ) соатдан иборат беш кунлик иш ҳафтаси ва икки дам олиш кунини белгилайдилар.

Ҳафтанинг душанбадан жума кунигача – иш куни, шанба ва якшанба дам олиш кунлари, тўлиқ иш вақти соат 9-00 дан 18-00 гача бўлиб, соат 13-00 дан 14-00 гача тушлик вақти этиб белгиланади (тўлиқ бўлмаган ставкада ишлайдиган ходимлар бундан мустасно);

б) I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

г) уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланиши мумкин.

4.2. Байрам (ишланмайдиган) кунлари (МКнинг 131-моддаси) арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

4.3. МКнинг 229-моддасида назарда тутилган ҳолатлар билан бир қаторда қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши шарт:

- а) оиласидаги яқин қариндошларидан бирининг бетоблиги;
- б) ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;
- в) профилактик даволаниш зарурияти.

4.4. Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Тўлиқсиз иш вақти режимидаги меҳнат учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

4.5. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган ходимга унинг илтимосига кўра иш берувчи томонидан (иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилиши мумкин (бундан ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳоллар мустасно).

4.6. Ишдан ташқари бўлган вақтда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

4.7. Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, иш берувчининг Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ходим ўз хоҳишига қараб меҳнат қонунчилигида белгиланган иш ҳақининг икки баравари миқдорида ёки иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда дам олиш куни (отгул) олиши мумкин.

4.8. Ходимларга Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган меҳнат таътили жадвалига мувофиқ йиллик асосий меҳнат таътили берилади.

Ходимга таътил пуллари ўз вақтида тўланмаганда, у таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ходимни навбатдаги йиллик таътилдан чақириб олишга хизмат бўйича ўта зарур ҳолларда ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга қулай бўлган кейинги вақтга ўтказилади.

Ходимнинг розилиги билан меҳнат таътилининг 12 иш кунидан ортиқ бўлмаган қисми кейинга кўчирилганда ундан шу йили албатта фойдаланиш лозим бўлади. Таътилнинг фойдаланилмай қолган қисмини иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши буйруқларда аниқ кўрсатилиши, шунингдек ходимларга иш даврида уларнинг хоҳишларига кўра йиллик таътилнинг МКнинг 134-моддасида белгиланган 15 (ўн беш) иш кунидан ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ходим муддатидан олдин меҳнат таътилидан унинг розилиги билан ишга чақириб олинган тақдирда, иш берувчи тегишли буйруқ чиқариши ва унинг иш ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Фойдаланилмаган таътил кунларига тўғри келадиган пул маблағлари таътилдан кейинги иш вақти учун жорий иш ҳақини тўлашга йўналтирилади. Мазкур маблағлар таътил кунлари бошқа вақтда тақдим этилган тақдирда уларга тўланиши лозим бўлган ўртача иш ҳақи қайтадан ҳисоблаб берилади.

4.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли Қарорининг 6-бандида назарда тутилган шахслар учун Олий суд судьяларига бериладиган даврга, Олий мактабнинг қолган барча ходимлари учун эса 24 иш кунидан иборат даврга меҳнат таътили берилади.

4.10. Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътили берилади:

а) асосий таътилдан ташқари суд ва адлия органларида кўп йиллар ишлаган узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга (тақиқланмаган маблағлар доирасида) ҳақ тўланадиган қуйидаги қўшимча таътил кунлари берилади:

10 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлганларга - 3 иш кун;

15 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлганларга - 5 иш кун.

4.11. Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиради:

а) яқин қариндошларидан (ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, фарзанди, опа-синглиси ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси ҳамда опа-синглиси) бири вафот этганда – 3 кун;

б) ходим ва унинг фарзандининг, яқин қариндошининг тўй маросими ўтказиш муносабати билан – 3 кун;

в) ходим фарзандлик бўлган тақдирда – 1 кун;

г) ходимнинг уйланиши ёки турмушга чиқиши муносабати билан – 3 кун.

4.12. Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллار ҳам киритилади.

4.13. МКнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига биноан ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

б) ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

в) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

г) таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (МКнинг 250-моддаси);

д) ушбу Шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.14. Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

4.15. Таътил учун ҳақ тўлаш меҳнат таътилига чиқишига ўн беш кун қолганда тегишли тартибда амалга оширилади.

4.16. Ходимнинг соғлиғини тиклаши ёки бошқа зарурати учун иш берувчи томонидан бюджет сметасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам ажратилади. Мазкур моддий ёрдам ходимнинг аризасига кўра меҳнат таътилига чиқишидан олдин ҳам берилиши мумкин.

4.17. МКнинг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда 14 (ўн тўрт) календарь кунгача бўлган таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

в) ишлаётган пенсионерларга;

г) икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (МКнинг 234-моддаси);

д) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (МКнинг 232-моддаси);

е) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.18. Иш берувчи томонидан ходимларга фан доктори илмий даражаларини олиш диссертацияларини – тугаллашлари, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услугий қўлланмалар ёзишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллار берилади. Номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услугий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга, шунингдек докторлик диссертациясини тугаллаш учун 3 ойгача бўлган муддатга ижодий таътиллари берилади.

4.19. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

4.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан қўшимча дам олиш кунлари деб эълон қилинган кунлар ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш

ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга қўшимча дам олиш кунлари қўшилади.

Ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда ҳам йиллик таътил давомийлиги 15 иш кунидан кам бўлмаслиги таъминланади.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Иш берувчи Олий мактабда меҳнатга ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига асосан амалга оширади.

5.2. Олий мактабда Ягона тариф сеткаси нолиқ разряди Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланади.

5.3. Олий мактаб ходимларига ўртача иш ҳақи амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосан ўрнатилган тартибда тўланади.

5.4. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

Иш ҳақи ҳар ойда икки маротаба берилади. Аванс – ҳар ойнинг 17-санасидан, иш ҳақи эса кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан тўланади.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунини ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

5.5. Иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб олади.

5.6. Олий мактабда:

профессор-ўқитувчилари таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

5.7. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун икки барабар миқдорда ҳақ тўланади.

5.8. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида” низоми асосида амалга оширилади.

5.9. Малака даражалари, кўп йиллик хизматлари, илмий даражаси ва илмий унвони бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда амалдаги қонунчиликда назарда тутилган миқдорида устамалар тўланади.

5.10. Иш берувчи томонидан ишдаги ютуқлари учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин.

5.11. “Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида” низоми ва Ўзбекистон Республикаси Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатувчи кенгашининг қарорига асосан Олий мақтаб ходимларига ойлик устамалар, ҳар ойда қўшимча бериладиган овқат пуллари, шунингдек байрамлар муносабати билан ажратиладиган моддий рағбатлантиришлар берилади.

5.12. Иш берувчи томонидан ходимни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилда камида бир маротаба қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишлари учун моддий ёрдам ажратилади.

5.13. Ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий мақтабнинг моддий рағбатлантириш бўйича махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга ҳар ой мансаб маошининг 100 фоизгача миқдорида устамалар тўланади.

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ

6.1. Ходимлар ўз меҳнат вазифаларини МК, меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар низоми, мансаб йўриқномалари, Олий мақтабнинг устави ва ички меҳнат қоидалари ҳамда Судьялар одоб-ахлоқ кодекси асосида амалга оширадилар. Ички меҳнат қоидалари билан ходимларни таништириш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Қайд этилган ички меҳнат қоидалари билан таништирилмаган ходимга мазкур қоидаларнинг бузилиши важи билан интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин эмас.

6.1.1. Ходимларга нисбатан меҳнат интизомини бузганликлари учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллаши мумкин:

ҳайфсан;

ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

меҳнат шартномасини бекор қилиш.

6.1.2. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

6.1.3. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга Касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилиги талаб этилади.

6.1.4. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилишининг рўйхати:

- ходимнинг ўз иш жойида узрсиз сабабларга кўра бир ой мобайнида жами уч соатдан кам бўлмаган муддатда ҳозир бўлмаслиги;
- иш берувчининг моддий бойликларига қасддан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлган миқдорда моддий зарар етказиши;
- иш вақтида спиртли ва бошқа психотроп моддаларни истеъмол қилиши ва шундай ҳолатда ишга келиши;
- ички меҳнат қоидаларида белгиланган ходимларнинг юриш-туриш қоидалари ҳамда Судьялар одоб-ахлоқ кодекси нормаларини қўпол равишда бузиши.
- қасддан содир этилган ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши.

6.2. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси:

6.2.1. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун давлат мукофотларига тақдим этиш ва Фахрий ёрлик билан тақдирлашни;

6.2.2. Ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ва юбилей саналарида (50-75 ёшга тўлганда):

- фахрий ёрлик ва энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги пул мукофоти;
- ташаккурнома эълон қилиш билан;
- қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашни ташкил этадилар.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Иш берувчи ходим томонидан етказилган зарардан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли.

7.2. Бевосита пул ёки моддий қийматликлар учун масъул бўлган ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилади.

Мазкур ходимларнинг рўйхати 2-иловада келтирилган.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Иш берувчининг мажбуриятлари:

8.1. Олий мактабда техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидаларига жавоб берадиган меҳнат шароитини яратади, компьютер ва бошқа техникалар, шунингдек асбоб-ускуналарни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолда бўлишини таъминлайди, бино ва хизмат хоналарини техник жиҳатидан қониқарли, ҳудудини тоза ҳолда сақлаш чораларини кўради.

8.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битимлар тузади (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-гигиена ҳамда соғломлаштириш чора-тадбирлари режасига, сарф-харажатлар сметасига киритади) ва касаба уюшмаси билан келишган ҳолда мазкур Шартномага илова қилинади (5-илова).

8.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, ушбу Шартномада ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ходимларни чиқимдор қилмаган ҳолда ажратади.

8.4. Ҳар бир иш жойига мослаб меҳнат шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

8.5. Ходимларнинг меҳнат шароити ҳамда меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ўзгариши муносабати билан, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнат қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароитларига мунтазам равишда зарурий ўзгартиришлар киритиб боради.

8.6. Ҳар бир ходимни меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблар, шу жумладан бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, ишнинг муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида хабардор қилиб боради.

8.7. Ходим иш вақтида жароҳатланиши натижасида вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда унга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

8.8. Куз-қиш мавсумларига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча тадбирларни 25 августга (1 октябрга) қадар бажарилишини таъминлайди ва биноларнинг узлуксиз ишлаши ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (таъмирланиши, реконструкция қилиниши ёки янги қурилиши лозим бўлган бино ёки хона ва бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб беради).

8.9. Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади. Ходимларни меҳнат шароити, асбоб-ускуналар ва техникаларнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказди, шунингдек ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан бепул тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил қилади.

8.10. Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки ушбу Шартномада назарда тутилган ходимларни белгиланган муддатларда ўрнатилган нормалар бўйича махсус кийимлар ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлайди.

8.11. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича махсус билимларини

шакллантириш ишларини ташкил этади.

8.12. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил сайланган тақдирда, вакилнинг ўқишини у сайлангандан сўнг бир ой ичида Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда ташкил қилади.

8.13. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этиб сайланган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида бир соат вақт ажратади. Меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган ходимларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиради ҳамда байрам муносабатлари билан мукофотлайди.

8.14. Ходимларга уларнинг иш вақтида жароҳатланишлари ва касб касалликларини орттиришлари ёки саломатликларига бошқа шикаст етиши туфайли етказилган зарар тўланиши кўзда тутилган миқдорда нафақа ва зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўланишини ўз вақтида таъминлайди.

8.15. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини ўз вақтида текширилишини ва ҳисобга олинишини таъминлайди.

8.16. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича:

Касаба уюшмаси қўмитаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг ўзи ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этиб сайланган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Олий мактаб раҳбарларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

- бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

- ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда уларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг мазкур Шартномада назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

- меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шартноларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

8.17. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:

- Олий мактабнинг таркибий тузилмалари кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия таркибини аниқлаб, уларнинг сайлови, ўқув муддатларини ўз вақтида ташкил этиши мумкин;

- Олий мактаб таркибий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан жамоатчилик назорати олиб борилишини таъминлайди.

IX. ИЖТИМОЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

9.1. Иш берувчи ва ходимлар МКда назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

9.2. Моддий ёрдам миқдори ва унинг тўланиши ходимда интизомий жазо чораси мавжудлигига боғлиқ бўлмайди.

9.3. Ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган вақтлари учун иш берувчи томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 8 майда рўйхатга олинган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” низомнинг 28-бандида белгиланган талабларга мувофиқ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб борилади.

9.4. Қайд этилган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” низом талабларига кўра ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш учун умумий иш стажини аниқлаш ва ҳисоблаш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш, фарзанд туғилганда бериладиган нафақа, кўшимча дам олиш кунлари учун нафақа, дафн этиш маросимлари учун бериладиган нафақа, меҳнатда майиб бўлганларга ва касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақадан (тўлиқ ёки қисман) маҳрум этиш ҳамда нафақа олиш ҳуқуқи бўйича келиб чиқадиган низоларни, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли ва тўғри берилганлигини кўриб чиқиш вазифалари Касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларининг зиммасига умумий юклатилади.

9.5. Иш берувчи “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси талабига асосан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига иш ҳақининг 0,1 фоизи миқдорида қўшимча маблағ ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.6. Иш берувчи:

9.6.1. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталайди.

9.6.2. Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ойлик иш ҳақининг 0,1 фоизи миқдорида бадаллар киритиб боради.

9.6.3. Ҳар ойнинг 17-санасидан кечиктирмай иш ҳақи билан боғлиқ аванс тўловларини, янги ойнинг 3-санасидан кечиктирмай иш ҳақини тўлиқ бериб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

9.7. Касаба уюшмаси қўмитаси:

9.7.1. Ўзбекистон Республикасининг миллий байрамлари муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда байрам дастурхонини ташкил этиш ҳамда ходимлар учун совғалар сотиб олиш;

9.7.2. Ходимлар фарзандларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини ташкил этиш;

9.7.3. Ходимлар учун касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва ижтимоий суғурта бюджети маблағидан олинган йўлланмалар қийматини қисман қоплайди;

9.7.4. Ходимлар учун санаторий – курорт ва дам олиш муассасаларига олинган йўлланмалар қийматининг 50 фоиз миқдори Касаба уюшмаси томонидан қоплаб берилади.

Х. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. Иш берувчи:

10.1.1. Касаба уюшмаси қўмитасига ўзининг балансида турган ёки ижарага олинган бинолар, хоналар ва иншоотларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканлари, болалар оромгоҳларини ва бошқа соғломлаштириш сихатгоҳларини фойдаланиш учун олиб, уни ходимларга бепул бериш;

10.1.2. Ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия тадбирлари, республиканинг тарихий қадамжоларига саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш, Касаба уюшмаси кўмитасининг штатдаги ходимларига кўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун Касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказиб бориш мажбуриятини олади (Қонуннинг 22-моддаси).

10.2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида иш берувчи билан Касаба уюшмаси кўмитаси қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.2.1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хонаси ажратиш);

10.2.2. Касаба уюшмаси кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли Қарорида назарда тутилган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар ходимлар учун – ўз маблағлари, иш берувчи маблағлари (бюджет ташкилотлари учун – ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари) ва жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан тенглик асосида қопланиши белгилаб қўйилганлиги сабабли рағбатлантириш чораси сифатида касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан унинг сметасида назарда тутилган маблағни ходимлар билан биргаликда **камида 10 фоизини оила аъзолари** ҳар йили уларнинг меҳнат таътилига чиқиш даврида дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини қисман (30 фоизигача) ташкил қилади.

ХІ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА, ШУНИНГДЕК ЁШЛАР УЧУН КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

11.1. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга, шунингдек ёшларга МКда назарда тутилган барча кафолат ва имтиёзлар берилиши кафолатланади.

11.2. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга, шунингдек ёшларга меҳнат қонунчилигида белгилангандан ташқари кўшимча кафолат ва имтиёзлар иш берувчи томонидан Касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда берилиши мумкин.

ХII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Иш берувчи ва ходимлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммаларига оладилар. Улар ҳар қандай баҳсни ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этадилар.

12.2. Якка тартибдаги меҳнат низолари иш берувчи ва Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан бўлган уч нафар аъзодан иборат тенглик асосида ташкил топган (ҳар биридан уч нафардан) ва мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқиладди.

12.3. Ҳар қандай меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади (*Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш комиссияси таркиби 4-иловада келтирилган*).

12.4. Меҳнат низолари бўйича комиссиянинг ҳулосасидан норози ходим унинг устидан умумий тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

ХIII. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

13.1. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси кўмитаси ўзаро муносабатларда ижтимоий шериклик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, МК, Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

13.2. Иш берувчи:

ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида Олий мактаб Касаба уюшмаси кўмитасини тан олади;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, МКга, шунингдек халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотларининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади ва уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашади;

Касаба уюшмаси кўмитасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишига кўмаклашади;

Касаба уюшмаси кўмитасининг таклифларини 5 (беш) кун муддатда кўриб чиқади ва унга қабул қилинган қарори тўғрисида хабар беради;

Касаба уюшмасининг қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида касаба уюшмасига белгиланган муддатда хабар беради;

Касаба уюшмаси кўмитаси ва унинг аъзолари фаолият юритиши учун

зарур шарт-шароитларни яратади;

Касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадида Касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобига зарур бўлган маблағларни белгиланган тартибда ўтказди;

Касаба уюшмаси қўмитасининг фаолиятига тўсқинлик қилмайди;

ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш, ишни таълим билан қўшиб олиб боровчи ва илмий иш билан шуғулланувчи ходимларга имтиёзлар ҳамда етарли шарт-шароитлар яратиб бериш чораларини кўради;

ходимларни меҳнат фаолияти давомида доимий равишда мажбурий бепул тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этади;

ходимнинг ёзма аризаси асосида иш ҳақидан камида 1 (бир) фоиз миқдорида касаба уюшмаси аъзолик бадалини (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган барча тўловлардан – компенсация ва мукофот пули) Олий мактаб бухгалтерияси орқали ушлаб қолинишини ва пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида Касаба уюшмаси қўмитасига ўтказилишини таъминлайди *(Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Касаба уюшмаси қўмитасига аъзолигига кириш тўғрисида ариза 1-иловада келтирилган);*

ходимнинг аъзолик бадали бир ой муддатдан ортиқ вақт мобайнида ўтказилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахсга нисбатан интизомий чора кўрилишини кафолатлайди;

ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳар қандай ижтимоий масала бўйича қарор қабул қилишда Касаба уюшмаси қўмитаси билан олдиндан келишади;

Касаба уюшмаси қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этади;

Касаба уюшмаси қўмитасининг уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган хоналар, транспорт, техника ва интернет тармоғига уланиш, канцелярия анжомлари билан бепул таъминлайди;

Касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган Касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари ёки комиссиялар аъзоларини молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириб боради.

13.3. Касаба уюшмаси қўмитаси:

иш берувчи томонидан МК ва ички меҳнат қоидалари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилади;

иш берувчининг қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича Касаба уюшмаси қўмитасига 15 (ўн беш) кунлик муддатда хабар беради (Қонуннинг 11-моддаси);

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишида фаол иштирок этади ва ходимларнинг ташаббускорлигини қувватлайди;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, иш ҳақи тўланиши ва ушбу Шартнома бўйича қўшимча тўловлар берилишининг тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги чораларини яхшилаш бўйича чоратадбирларни бажарилишини назорат қилади;

ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашади;

касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат муҳофазасини таъминлайди;

вужудга келадиган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилиши, меҳнат муҳофазаси, техникаси хавфсизлиги ва санитарияси-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида ходимнинг аризасига кўра тегишли соғломлаштириш сиҳатгоҳларнинг йўлланмалари билан таъминлайди;

меҳнат шароитлари аҳволи бўйича жамоатчилик назоратини ташкил қилади ва амалга оширади;

касаба уюшмаси аъзолари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларини олиб боради, низоли вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўради;

касаба уюшмалари Федерациясининг “Ишонч - Доверие” газетасига ҳар йили бир дона обуна бўлишни таъминлайди.

XIV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИНГ БАЖАРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ

14.1. Касаба уюшмаси қўмитаси юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиши ёки ўтмаслигидан қатъий назар иш берувчи билан жамоа музокараларини олиб боришда ва Шартномани тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлиб, унинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади (Қонуннинг 1 ва 9-моддалари).

14.2. Касаба уюшмаси қўмитаси ва иш берувчи тенглик асосида ушбу Шартноманинг бажарилишини текшириб боровчи комиссияни тузишни ўз зиммаларига оладилар.

Комиссия йилда 1 (бир) маротаба ушбу Шартноманинг бажарилиши юзасидан текширув ўтказиши ва натижасини меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида муҳокама қилиши лозим бўлади. Шартнома бажарилишининг йил якунлари, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай кўриб чиқилади. Зарурат бўлганда тарафларнинг бирини талаби билан ҳам муддатидан илгари текшириш ўтказилиши мумкин.

14.3. Меҳнат жамоаси ушбу Шартномада назарда тутилган тадбирлар ва шартлар бажарилиши учун бевосита масъул бўлган бошқа ходимларнинг ҳам ҳисоботини эшитишга ҳақли.

14.4. Шартнома шартлари иш берувчи томонидан бажарилмаган тақдирда, жамоа ходимлари айбдор шахсларга нисбатан чора кўришни талаб қилишга, Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан бажарилмаганда эса, умумий йиғилиш қарори билан уни вакил бўлиш ваколатидан маҳрум этишга ва бошқа вакиллик органини сайлаш ҳуқуқига эга.

14.5. Шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва у 3 (уч) йил (2022 йил 1 июлга қадар) муддатда амал қилади.

14.6. Мазкур Шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни бекор қилиш масаласи меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида ҳал қилинади.

14.7. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг, касаба уюшмаси уни рўйхатдан ўтказиш учун 3 (уч) нусхада Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшмаси кўмитасига, рўйхатдан ўтган нусхасини эса Олий мактаб девонхонасига сақлаш учун тақдим этади.

14.8. Ходимлар ушбу Шартноманинг матни билан ўзлари учун қулай бўлган вақтда танишишлари мумкин.

14.9. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси кўмитаси эътироф этадики, уларнинг мазкур Шартномада акс эттирилган манфаатлари улар томонидан Шартноманинг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина амалга оширилган ҳисобланади (*Жамоа шартномаси шартлари ва мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш комиссияси таркиби 3-иловада келтирилган*).

14.10. Касаба уюшмаси кўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилишидан олдин унинг лойиҳасини экспертизадан ўтказиб, фикр олиш учун Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшмаси кўмитасига тақдим этади.

14.11. Шартноманинг тасдиқланган нусхаси Олий мактаб ходимлари учун кўринадиган жойга осиб қўйилади, яна бир нусхаси Олий мактабнинг девонхонасида, учинчи нусхаси эса Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшмаси кўмитасига сақланади.

14.12. Шартноманинг амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ

15.1. Иш берувчи мазкур Шартнома шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, Касаба уюшмаси қўмитаси ушбу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли. Бундай тақдимнома 1 (бир) ҳафта муддатда қўриб чиқилиши лозим. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитасининг бундай тақдимномасида кўрсатилган талабларини қаноатлантиришни рад этганда ёки кўрсатилган муддатда улар ўртасида келишувга эришилмаганда, ҳар қандай келишмовчиликлар Қонуннинг 14-моддаси асосида ҳал этилади.

15.2. Мазкур Шартнома мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жамоа шартномасига 1-ИЛОВА

**Судьялар олий мактаби
Касаба уюшмаси қўмитасига**

_____дан
Ф.И.Ш.

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби касаба уюшмаси аъзолигига кириш тўғрисида
АРИЗА**

Мен _____
(таркибий бўлинманинг номи)

(лавозими ва исми шарифи)

Мени _____ йилдан бошлаб касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман.

(сана)(имзо)

(ФИШ)

Судьялар олий мактаби
Касаба уюшмаси қўмитасига
_____дан
Ф.И.Ш.

АРИЗА

Мен Судьялар олий мактабининг жамоа шартномаси билан мазмунан танишиб чиқдим. Мен _____ йилдан бошлаб касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ойлик иш ҳақимдан (шу жумладан, мукофот ва алоҳида қўшимча устама пулларимдан) 1 (бир) фоиз миқдорида ушлаб қолишингизни сўрайман.

(сана)(имзо)

(ФИШ)

Жамоа шартномасига 2-ИЛОВА

“К Е Л И Ш И Л Д И”
Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

_____А.Сидиқов
2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг
9-сонли баённомаси)

**ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР БЎЙИЧА ТЎЛИҚ МОДДИЙ
ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМАЛАР
ТУЗИЛАДИГАН ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ**

1. Хисобчи
2. Ҳўжалик мудир
3. Кассир
4. Ҳайдовчилар

“К Е Л И Ш И Л Д И”

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

_____А.Сидиқов

2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг
9-сонли баённомаси)

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ
БАЖАРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ***

К.Синдаров	Директор ўринбосари
И.Насриев	Кафедра мудири
Қ.Исаров	Марказ бошлиғи
С.Авазов	Юрисконсулт
С.Худайкулова	Кадрлар бўлими ходими
Қ.Турсунов	Бош ҳисобчи

**Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан сайланган ёки тайинланган шахслар киритилади.*

“К Е Л И Ш И Л Д И”

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси

_____А.Сидиқов

2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг

9-сонли баённомаси)

**ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ
КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ***

Директор ўринбосари	К.Синдаров
Кадрлар бўлими ходими	С.Худайкулова
Юрисконсульт	С.Авазов

**Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан сайланган ёки тайинланган шахслар киритилади.*

“К Е Л И Ш И Л Д И”

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

_____А.Сидиқов

2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг
9-сонли баённомаси)

**Иш берувчи ва Касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган
меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
БИТИМ**

№	Тадбирлар мазмуни	Бажарилиши лозим бўлган иш қиймати (мингсўм)	Тадбирнинг бажарилиши муддати (ҳар йили)	Тадбирнинг бажарилишига масъул шахс
1	2	3	4	5
1.	Меҳнат муҳофазаси соҳасида адабиётларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сотиб олиш	5 млн. сўм	Алоҳида режа асосида	Т.Бобожонов
2.	Иш вақтидаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш	1 500 000 сўм	2019 йил 31 декабрь кунига қадар	А.Сидиқов, Қ.Турсунов
3.	Ходимларни белгиланган нормалар бўйича шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши	500 000 сўм	Ҳар чоракда	Қ.Турсунов, Т.Бобожонов
4.	Дастлабки даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши	Президент қарори асосида бепул тиббий ёрдам кўрсатилади.	Йилига икки маротаба	С.Авезов Қ.Турсунов

“К Е Л И Ш И Л Д И”

Касаба уюшмаси кўмитаси раиси

_____А.Сидиқов

2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг

9-сонли баённомаси)

**Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан
тиббий кўриқдан ўтказилиши ташкил қилинадиган
КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ**

№	Касб, лавозимларноми	Тиббий кўриқдан ўтказилиш муддати
1	2	3
1.	Директор, унинг ўринбосарлари, шунингдек барча таркибий тузилма раҳбарлари	Алоҳида режа асосида
2.	Олий мактабнинг барча ходимлари	Алоҳида режа асосида

“К Е Л И Ш И Л Д И”

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

_____А.Сидиқов

2019 йил 2 июль

(Касаба уюшмаси мажлисининг

9-сонли баённомаси)

**Гигиена воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича
ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Лавозимноми	Берилишишарт бўлгангигиена воситалари	Берилиш меъёри
<i>1</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
1	Фаррошлар (барчасига)	270 грам кир совун	1 ойга
		хизмат халати	1 йилга
2	Архив ишчиси	270 грам кир совун	1 ойга
		хизмат халати	1 йилга
3	Электрик	Рўйхат асосида зарур асбоб-ускуналар	